

## МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИ ИНСТИТУТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МОҲИЯТИ ВА МАЗМУНИ

Омонов Фирдавс Бахтиёр ўғли

“SURXON XAQIQAT MASKANI” адвокатлар хайъати адвокати.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18280739>

**Аннотация.** Мазкур мақолада манфаатлар тўқнашуви институтининг ҳуқуқий моҳияти ва мазмуни илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилинган. Давлат хизматини ислоҳ қилиш, коррупциянинг олдини олиш ва давлат органлари фаолиятида очиқлик ҳамда ҳолисликни таъминлашда манфаатлар тўқнашуви институтининг ўрни очиқ берилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги Қонуни нормалари асосида манфаатлар тўқнашувининг тушунчаси, турлари, намоён бўлиш шакллари, уни аниқлаш ва бартараф этиш механизмлари ҳамда ҳуқуқий оқибатлари ёритилган. Шунингдек, манфаатлар тўқнашувининг коррупцияга олиб келувчи омил сифатидаги салбий таъсири ва уни профилактика қилишнинг ҳуқуқий аҳамияти асослаб берилган.

**Калит сўзлар:** манфаатлар тўқнашуви, давлат хизмати, коррупцияга қарши кураш, шахсий манфаатдорлик, жамоат манфаатлари, ҳуқуқий институт, очиқлик, ҳолислик.

**Аннотация.** В статье осуществлён научно-теоретический анализ правовой сущности и содержания института конфликта интересов. Раскрыта роль данного института в реформировании государственной службы, предупреждении коррупции и обеспечении открытости и беспристрастности деятельности государственных органов.

На основе норм Закона Республики Узбекистан «О конфликте интересов» исследуются понятие, виды, формы проявления конфликта интересов, механизмы его выявления и урегулирования, а также правовые последствия. Обоснована значимость института конфликта интересов как правового средства профилактики коррупционных проявлений.

**Ключевые слова:** конфликт интересов, государственная служба, противодействие коррупции, личная заинтересованность, публичные интересы, правовой институт, прозрачность, беспристрастность.

**Abstract.** This article provides a scientific and theoretical analysis of the legal nature and content of the institution of conflict of interests. The role of this institution in reforming the civil service, preventing corruption, and ensuring transparency and impartiality in the activities of public authorities is examined. Based on the provisions of the Law of the Republic of Uzbekistan “On Conflict of Interests,” the concept, types, manifestations, mechanisms for identification and regulation, as well as legal consequences of conflicts of interest are analyzed. The study also substantiates the importance of preventing conflicts of interest as a factor contributing to corruption and highlights its preventive legal significance.

**Keywords:** conflict of interests, public service, anti-corruption, personal interest, public interest, legal institution, transparency, impartiality.

### КИРИШ

Ҳозирги глобаллашув ва давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилиш шароитида давлат хизматининг очиқлиги, ҳолислиги ва самарадорлигини таъминлаш масаласи алоҳида долзарб аҳамият касб этмоқда. Айниқса, шахсий манфаатлар билан жамоат манфаатлари ўртасидаги мувозанатни сақлаш, давлат ва жамият манфаатларига зарар етказиши мумкин бўлган ҳолатларни барвақт аниқлаш ва бартараф этиш ҳуқуқий давлат қурилишида муҳим ўрин тутadi. Шу нуқтаи назардан, манфаатлар тўқнашуви институти замонавий ҳуқуқий тизимнинг ажралмас қисми сифатида шаклланиб бормоқда.

Манфаатлар тўқнашуви давлат органлари, маҳаллий ҳокимият, давлат иштирокидаги ташкилотлар ҳамда бошқа ижтимоий аҳамиятга эга соҳаларда хизмат фаолиятини амалга ошираётган шахсларнинг қарор қабул қилиш жараёнига шахсий манфаатларнинг таъсир кўрсатиши ёки шундай хавф мавжуд бўлиши билан тавсифланади. Бундай ҳолатлар ўз вақтида ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинмаган тақдирда коррупциявий ҳолатлар, мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиш ҳамда фуқароларнинг давлат институтларига бўлган ишончи сусайишига олиб келиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ муносабатларни махсус қонун даражасида тартибга солиниши ушбу институтнинг ҳуқуқий аҳамияти ва мустақил институционал мақомга эга эканлигини кўрсатади. Қонунчиликда манфаатлар тўқнашуви тушунчасининг аниқ белгиланиши, унинг мавжуд ва эҳтимолий турларга ажратилиши, шунингдек, уни олдини олиш ва бартараф этиш механизмларининг мустаҳкамланиши мазкур институтнинг профилактик хусусиятини намоён этади.

Шу билан бирга, манфаатлар тўқнашуви институти фақат маъмурий ёки ташкилий масала сифатида эмас, балки ҳуқуқий, ахлоқий ва ижтимоий категория сифатида ҳам қаралиши лозим. Унинг ҳуқуқий моҳияти шахсий манфаатлар таъсирини чеклаш орқали давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилишда намоён бўлса, мазмуни манфаатлар тўқнашувини аниқлаш, ошкор этиш, ҳисобга олиш ва бартараф этишга қаратилган ҳуқуқий нормалар ва институционал механизмлар мажмуида ифодаланади.

Манфаатлар тўқнашуви деганда, шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахснинг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият тушунилади.

Хорижий ҳуқуқшунос олимларнинг айримлари "манфаатлар тўқнашуви"ни коррупциянинг "юмшоқ" тури деб, таъриф бермоқдалар.

"Манфаатлар тўқнашуви" коррупция тури сифатида, пора олиш, пора бериш, пора олиш-беришда воситачилик қилиш каби ва бошқа коррупциявий жиноятларни содир этиш орқали амалга оширилмасада, бироқ унга қарши курашиш масаласи ҳам долзарб ҳисобланади. Чунончи, манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги қўйидаги салбий оқибатларга олиб келади:

- давлат ва ҳужалик органларининг бошқарувини сифатли амалга оширилишига тусқинлик қилиш;

- ходимларнинг ижрочилик интизомининг пасайиши;
- ходимларнинг меҳнат унумдорлиги даражасининг пасайиши;
- ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатининг пасайиши;
- Давлат ва ҳужалик органларининг обрусига путур етказилиши;
- оммавий манфаатларни менсимасликларга олиб келиши.

Манфаатлар тўқнашуви қўйидаги кўринишларда намоён бўлади:

Уруғ-аймоқчилик – ходимнинг умумий аждодга эга бўлган муайян қариндошга мансублиги асосида учинчи шахсларга нисбатан субъектив, илтифотли ва ноҳолис муносабатда бўлиш шаклдаги шахсий манфаатини намоён этилиши;

Маҳаллийчилик шахсни фақатгина қариндошлиги ва бундай шахснинг ҳокимият ваколатига эга бўлган органлардаги қариндошларининг хизмат мавқеи сабабли лавозимга қўйиладиган малака талабларини ҳисобга олмасдан ишга ёллаш, ротация қилиш, лавозимга тайинлаш;

Таниш-билишчилик – ўзининг яқин қариндошлари ёки дўстларига ғайриқонуний имтиёзлар бериш мақсадида ҳокимиятдан фойдаланиш ва (ёки) таъсир ўтказиш, шунингдек, яқин қариндошлари ва (ёки) дўстларига асоссиз мукофотлар ҳисоблаш, аслия органлари ва муассасалари манфаатлари зарарига яқин қариндошлари ва дўстларини ишга қабул қилиш ва лавозимга тайинлашлар;

Ҳомийлик – ён босиш, қулай меҳнат шароитларини яратиб бериш шаклида аслия органи ва муассасаси ходимини юқориноқ лавозимдаги ходим томонидан ҳимоя қилиниши;

Раҳнамолик (фаворитизм) – ходим бир шахс ёки бир гуруҳ шахслар манфаатларини бошқа шахс ва (ёки) шахслар гуруҳи манфаатларидан устун қўйиш, шу билан бирга, аслия органлари ва муассасаларида кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, лавозими бўйича кўтариш, мукофотларни ҳисоблаш ва давлат мукофотларига тавсия қилиш, меҳнат таътиллари бериш ёки санаториялар ва хориж сафарларига юбориш, мурожаатларни кўриб чиқиш навбатини, шунингдек, иш вақти ва навбатчилик графикларини белгилаш шулар жумласидандир.

Манфаатлар тўқнашуви институтининг ҳуқуқий моҳияти, аввало, давлат органи ёки бошқа ташкилот ходимининг шахсий манфаатдорлиги унинг лавозим ёки хизмат мажбуриятларини ҳолисона бажаришига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган вазиятларни ҳуқуқий жиҳатдан чеклашга қаратилганлигида намоён бўлади. Қонунчиликда манфаатлар тўқнашуви мавжуд ва эҳтимолий турларга ажратилиши мазкур институтнинг профилактик хусусиятини кучайтиради.

Мавжуд манфаатлар тўқнашуви — шахсий манфаат билан жамоат манфаати ўртасида аниқ қарама-қаршилик юзага келган ҳолатни ифодаласа, эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви бундай зиддиятнинг келиб чиқиш хавфи мавжуд бўлган вазиятларни қамраб олади. Бу эса давлат органларига фақат оқибатларни бартараф этиш эмас, балки уларнинг олдини олиш имконини ҳам беради.

Манфаатлар тўқнашуви институтининг ҳуқуқий моҳияти шунингдек давлат органлари фаолиятида фуқаролар, жамият ва давлат манфаатларининг устуворлигини таъминлаш, хизматчиларнинг касбий этикаси ва масъулиятини ошириш орқали намоён бўлади.

Қонунчиликка мувофиқ, манфаатлар тўқнашувига йўл қўйилган ҳолда қабул қилинган қарорлар ёки тузилган битимлар суд тартибида ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин. Бундай ҳуқуқий оқибатлар манфаатлар тўқнашуви институтининг мажбурий ва қатъий хусусиятга эга эканлигини кўрсатади.

Шунингдек, манфаатлар тўқнашувини ошкор этмаган ёки ёлғон маълумот тақдим этган шахсларга нисбатан интизомий, маъмурий ёки бошқа турдаги жавобгарлик чоралари қўлланилиши мумкин. Бу эса мазкур институтнинг ҳуқуқий таъсирчанлигини таъминлайди.

Манфаатлар тўқнашуви институти давлат бошқаруви тизимида коррупциянинг олдини олиш, қонунийлик ва ҳолисликни таъминлашга хизмат қилувчи муҳим ҳуқуқий институт ҳисобланади. Унинг ҳуқуқий моҳияти шахсий манфаатларнинг хизмат ваколатларига салбий таъсирини чеклашда, мазмун эса манфаатлар тўқнашувини аниқлаш, ошкор этиш ва бартараф этишга қаратилган комплекс механизмларда ифодаланади.

Ўзбекистон Республикасида мазкур институтнинг қонун даражасида мустаҳкамланиши давлат хизматининг сифатини ошириш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ҳамда давлат органларига нисбатан ишончни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади.

#### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент, 2024.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида»ги Қонуни // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 06 июндаги ПҚ-210-сонли Қарорини «Ўзбекистон Республикасининг «Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида»ги Қонуни ижросини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида».